

964 - وَعَنْ أَبِي الْأَسْوَدِ قَالَ: قَدِمْتُ الْمَدِينَةَ، فَجَلَسْتُ إِلَى عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، فَمَرَّتْ بِهِمْ جَنَازَةٌ، فَأَثْنَيَ عَلَى صَاحِبِهَا حَيْرًا فَقَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ: وَجَبَتْ، ثُمَّ مُرَّ بِأُخْرَى، فَأَثْنَيَ عَلَى صَاحِبِهَا حَيْرًا، فَقَالَ عُمَرُ: وَجَبَتْ، ثُمَّ مُرَّ بِالثَّالِثَةِ، فَأَثْنَيَ عَلَى صَاحِبِهَا شَرَّاً، فَقَالَ عُمَرُ: وَجَبَتْ: قَالَ أَبُو الْأَسْوَدِ: فَقُلْتُ: وَمَا وَجَبَتْ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ؟ قَالَ: فَلَذْ كَمَا قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّمَا مُسْلِمٌ شَهَدَ لَهُ أَرْبَعَةٌ بِخَيْرٍ، أَدْخَلَهُ اللَّهُ الْجَنَّةَ» فَقُلْنَا: وَثَلَاثَةُ؟ قَالَ: «وَثَلَاثَةُ» فَقُلْنَا: وَاثَانِ؟ قَالَ: «وَاثَانِ» ثُمَّ لَمْ نَسَأَلُهُ عَنِ الْوَاحِدِ. رَوَاهُ البُخَارِيُّ [1368].

964. Абул Асваддан ривоят қилинади:

«Мадинага келдим. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг олдида ўтирган эдим, олдиларидан жаноза ўтиб қолди. Унинг эгаси ҳақида яхши гап айтилди. Умар: «Вожиб бўлди», деди. Сўнгра яна бошқаси олиб ўтилди. Унинг эгаси ҳақида ҳам яхши гап айтилди. Умар: «Вожиб бўлди», деди. Кейин учинчиси олиб ўтилди. Унинг эгаси ҳақида ёмон гап айтилди. Умар: «Вожиб бўлди», деди. Мен: «Нима вожиб бўлди, эй мўминларнинг амири?» дедим. У: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам нима деган бўлсалар, шуни айтдим: **«Қайси бир мусулмонга тўрт киши яхшилик билан гувоҳлик берса, Аллоҳ уни жаннатга киритади»**, дедилар. «Учта бўлса-чи?» дедик. **«Учта бўлса ҳам»**, дедилар. «Иккита бўлса-чи?» дедик. **«Иккита бўлса ҳам»**, дедилар. Битта ҳақида сўрамадик», деди».

Имом Бухорий ривояти.

Шарх: Уламоларимиз икки одил сифатли мусулмоннинг гувоҳлиги ила дунёвий ишларда банданинг ҳаққи сабит бўлади, ўша икки одил мусулмоннинг гувоҳлиги билан ухровий ишларда Аллоҳнинг ҳаққи сабит бўлса ажаб эмас, дейдилар.

Дунёвий ишларда банданинг ҳаққи собит бўлиши учун гувоҳларнинг адолати шарт. Яъни, қози ҳукм чиқаришдан олдин гувоҳларнинг кимлигини текшириб қўради. Шариат талабларига жавоб берадими? Шариат амалларини бекаму кўст қиласдими? Мусулмонлик шаънига доғ туширадиган ишлар қилмаганми? Авваллари ёлғон гапирган ёки ёлғон гувоҳлик бермаганми? Маҳкамада иштирок этаётган икки томонга яхши ёки ёмон маънода мойиллик йўқми? Бу каби саволлар билан уларнинг кимлиги аникланади.

Шундоқ экан, ухровий ишларда Аллоҳнинг ҳаққини собит қилиш учун, жаннат ёки дўзах ҳукмини ажрим қилиш учун гувоҳлик беришга яна ҳам дақиқроқ шартлар бўлиши турган гап.

Аллоҳ таоло ўлганимизда гувоҳлиги қабул бўладиган чин мўмин-мусулмонлардан кўплаб кишилар яхши гувоҳлик берадиган қилсин.

Манба: hadis.islom.uz

